

“Худудгазтаъминот” АЖ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан
2022 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Ходимлар саломатликларини тиклаш ва мустаҳкамлаш	Ходимлар саломатликларини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун ижтимоий суғурта ҳисобидан 224 нафар ходимларга 679 020 962 сўмлик, Касаба уюшмаси бадаллари ҳисобидан 226 нафар ходимларга 640 208 000 сўмлик имтиёзли йўлланмалар берилди. 2022 йил дам олиш масканларига 271 та ходимлар жўнатилиб, 239 196 000 сўм маблағ ажратилган.
Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ходимлар фарзандларини дам олишини ташкиллаштириш	2022 йил ёз мавсумида болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳига 1 737 нафар ходимлар фарзандларига имтиёзли йўлланмалар ажратилиб, умумий миқдорда 1 265 515 996 сўм маблағ сарфланди.
Жамият томонидан соғликларини тиклаш учун ходимларга моддий ёрдамлар кўрсатиш	2022 йил “Худудгазтаъминот”АЖ томонидан соғликларини тиклаш ва мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун 90 нафар ходимларга 703 145 353 сўмлик моддий ёрдам маблағлари ажратилди. 2022 йил Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ва бошланғич касаба уюшмаси ҳисобидан 807 та ходимга 708 823 507 сўм миқдорда моддий ёрам ажратилди. Ходимларни меҳнат таътилига чиқиши муносабати билан соғликларини тиклаш учун 18,7 миллиард сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилди.
Ички туризим ва саёҳатлар ташкиллаштириш	Республикамиздаги тарихий ва замонавий шаҳарларини зиёрат ва саёҳат қилиш учун жами 2 074 та ходим юборилиб, 594 400 047 сўм маблағ ажратилди.
Спорт ва соғломлаштириш тадбирлари	Йил бошидан Жамият ва тизим қорхоналари томонидан ташкиллаштирилган 87 та спорт тадбирларида 2 307 нафар ходимларимиз иштироки таъминланиб, 246 037 200 сўм маблағ сарфланди.
Маданий-маърифий дам олиш тадбирлари	Ходимлар дам олиш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун 2 893 та маданий-маърифий тадбирлар ташкиллаштирилди, унда жами 11 238 нафар ходимлар иштироки таъминланиб, 1 380 038 804 сўм маблағ сарфланди.